

## **Давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари тўғрисида Низом**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига (бундан буён матнда фуқаролик жамияти институтлари деб юритилади) давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби ва шартларини белгилайди.

3. Давлат ижтимоий буюртмасини бериш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари (бундан буён матнда Жамоат комиссиялари деб юритилади) қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондлари (бундан буён матнда маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари деб юритилади) орқали амалга оширилади.

4. Давлат ижтимоий буюртмаси социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир давлат топшириғидан иборат бўлиб, фуқаролик жамияти институтларига танлов асосида берилади.

### **II. Давлат ижтимоий буюртмалари бериш бўйича танловларни ташкил этиш ва ўтказиш**

5. Давлат органлари ижтимоий шериклик соҳалари доирасида ўз фаолиятининг фуқаролик жамияти институтлари қўллаб-қувватлашини талаб этадиган устувор йўналишларини белгилаб, келгуси молия йили учун давлат ижтимоий буюртмаларини бериш тўғрисида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондига, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларига буюртмалар юборадилар. Буюртмада давлат органи фаолиятининг устувор йўналишлари, ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир топшириқнинг мақсадлари, вазифалари ва шартлари кўрсатилади.

6. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари ушбу Низомдаги тартиб ва шартлар асосида давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танловларни ташкил этади, фуқаролик жамияти институтларидан тушган таклифларни умумлаштиради ҳамда уларни тегишинча Парламент комиссиясига, Жамоат комиссияларига киритади.

7. Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари тегишинча Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, давлат ижтимоий буюртмаларини беришнинг мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг ҳажмлари тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади, давлат буюртмачиларининг рўйхатини ва кўрсатилган маблағларни ажратиш режалаштирилаётган фаолият йўналишларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

8. Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари очиқ танловлар ўтказиш борасидаги ўз қарорларини уч кунлик муддат ичида тегишинча Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондига ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларига ижро учун юборади.

9. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари давлат гранти бериш учун танловлар ҳақида 1-иловага мувофиқ шаклда оммавий ахборот воситаларида танлов бошланишидан 3 кун муддат ичида эълон беради.

### **III. Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танловларда иштирок этиш талаблари ва лойиҳаларни тақдим қилиш шартлари**

10. Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танловларда ўз лойиҳаларини тақдим этган фуқаролик жамияти институтлари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

11. Танловда иштирок этишга талабгор фуқаролик жамияти институтлари (бундан буён матнда талабгор ташкилот деб юритилади), танлов ҳақидаги эълонда кўрсатилган муддат ичида тегишинча Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– танловга ҳужжатлар тақдим этилаётганлиги тўғрисида йўлланма мурожаат (кузатув) хати;

– ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган шаклда давлат ижтимоий буюртмаси доирасида амалга ошириладиган лойиҳани ўз ичига олган талабгорнинг аризаси (талабнома);

– охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан рўйхатга олинган, ҳар бир варағи талабгор ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган устав (низом)нинг нусхаси;

– талабгор ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ташкилот ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

– оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (оммавий ахборот воситалари учун);

– талабгор ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган тегишли лицензиянинг нусхаси (лицензияланадиган фаолият тури билан

шуғулланиш талаб этилган ҳолларда).

Талабгор ташкилот ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари лойиҳани амалга оширишдан манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларининг тавсияномалари, қўллаб-қувватлаш хатларини ҳам тақдим этиши мумкин.

12. Талабгор ташкилот мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган шаклдаги ариза (талабнома)да тегишли маълумот, кўрсаткич ва рақамларни аниқ кўрсатиши шарт.

13. Қуйидаги талабгор ташкилотларга танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди:

– тугатилган ёки тугатиш жараёнида турган;

– танловда иштирок этиш учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

– илгари амалга оширган лойиҳалари юзасидан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларидан қарздорлиги мавжуд бўлган, шунингдек Парламент комиссияси ва Жамоат комиссияларининг аниқланган камчиликларни баратараф этиш ҳақидаги талабларини ўз вақтида ва лозим даражада бажармаган;

– муқаддам Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари томонидан лойиҳани молиялаштириш учун давлат ижтимоий буюртмаси берилган бўлиб, ушбу лойиҳа муддати тугамаган бўлса.

14. Ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ танловда иштирок этишга қўйилмаган талабгор ташкилотларнинг топширган ҳужжатлари кўрмасдан қолдирилади.

#### **IV. Лойиҳаларни ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш**

15. Талабгор ташкилотларнинг лойиҳалари тегишинча Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларининг ижро этувчи девонларида варақлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва тегишли имзо билан тасдиқланган махсус дафтарларда рўйхатга олинади.

16. Ҳужжат қабул қилишнинг эълонда кўрсатилган охириги муддати тугаган кундан эътиборан 20 иш куни мобайнида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларининг ижро этувчи девони томонидан рўйхатга олинган лойиҳалар баҳолаш ҳамда ижтимоий ва умум аҳамиятини аниқлаш мақсадида Парламент комиссиясига, Жамоат комиссияларига юборилади, ушбу Низомнинг 13-бандига кўрсатилган талабгор ташкилотларнинг лойиҳалари бундан мустасно.

17. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларининг ижро этувчи девонида талабгор ташкилотлар лойиҳаларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботи, лойиҳаларда аниқланган асосий камчиликлар кўрсатилган таҳлилий маълумотномалар тайёрланади. Таҳлилий маълумотномалар Парламент комиссиясига ва Жамоат комиссияларига лойиҳалар билан бир вақтда тақдим этилади.

## **V. Лойиҳаларни кўриб чиқиш, баҳолаш, уларнинг ижтимоий ва умум аҳамиятини аниқлаш мезонлари**

18. Парламент комиссиясига ва Жамоат комиссияларига келиб тушган лойиҳалар бир ойлик муддат ичида Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари лойиҳаларининг ижтимоий ва умум аҳамиятини аниқлаш бўйича Ишчи гуруҳлари (бундан буён матнда Ишчи гуруҳи деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади.

Лойиҳаларни кўриб чиқиш учун қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари Парламент комиссияси раиси, Жамоат комиссиялари раислари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ишчи гуруҳи:

– тақдим этилган лойиҳаларни саралайди, уларнинг танлов мақсадларига мувофиқлигини ҳамда ижтимоий ва умум аҳамиятини аниқлайди;

– ушбу Низомда белгиланган мезонлар бўйича балл бериш орқали лойиҳаларни дастлабки тарзда баҳолайди;

– бошқаларга нисбатан энг юқори балл тўплаган лойиҳалар рўйхатини шакллантиради ва улар юзасидан таклифни Парламент комиссиясига, Жамоат комиссияларига тақдим этади.

19. Ишчи гуруҳи қуйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган мезонлар асосида лойиҳаларни баҳолайди:

– талабгор ташкилотнинг ташкилий фаолияти қонун ҳужжатларига ҳамда танлов мақсадларига мувофиқлиги;

– талабгор ташкилотнинг етарлича ресурс базасига эгаллиги;

– лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, унинг танлов шарти ҳамда давлат органи буюртмаси талабларига мувофиқлиги, маълумотларнинг асослилиги ва ҳаққонийлиги;

– лойиҳани амалга оширишда ижтимоий шерикликнинг назарда тутилиши;

– лойиҳа бюджетининг лойиҳа мазмунига мувофиқлиги ва уни асослантирилганлиги.

20. Талабгор ташкилотнинг ташкилий фаолияти қонун ҳужжатларига ҳамда танлов мақсадларига мувофиқлиги қуйидагилар билан белгиланади:

– талабгор ташкилотнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳисобга олинганлиги;

– оммавий ахборот воситасининг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларида рўйхатга олинганлиги (оммавий ахборот воситалари учун);

– талабгор ташкилотнинг тегишли лицензияга эгаллиги, унинг амал қилиш муддати ўтмаганлиги (лицензияланадиган фаолият учун);

– талабгор ташкилотнинг тугатилмаганлиги ёки тугатиш жараёнида турмаганлиги;

– талабгор ташкилот нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари тизимига кириши;

– лойиҳани амалга ошириш талабгор ташкилотнинг устави (низоми) талабларига мувофиқлиги;

– талабгор ташкилот фаолиятида унга давлат ижтимоий буюртмаси бериш учун тўскинлик қилувчи қўпол қонунбузарлик ҳолатларининг мавжуд эмаслиги.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар талабгор ташкилот тақдим этган таъсис ҳужжатлари, гувоҳномалар, лицензиялар нусхалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда уларнинг ҳудудий органларидан, бошқа ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида ўрганиб чиқилади.

21. Талабгор ташкилотнинг етарлича ресурс базасига эгаллиги қуйидагилар билан белгиланади:

– ўтган уч йил давомида танловларда ғолиб бўлмаган талабгор ташкилотнинг лойиҳасида сўралаётган умумий сумманинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги шахсий ёки ҳамкорлар улушининг мавжудлиги;

– ўтган уч йил давомида танловларда бир маротаба ғолиб деб топилган ва иккинчи маротаба танловда иштирок этаётган талабгор ташкилотнинг лойиҳасида сўралаётган умумий сумманинг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги шахсий ёки ҳамкорлар улушининг мавжудлиги;

– ўтган уч йил давомида танловларда икки маротаба ғолиб деб топилган ва учинчи маротаба танловда иштирок этаётган талабгор ташкилотнинг лойиҳасида сўралаётган умумий сумманинг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги шахсий ёки ҳамкорлар улушининг мавжудлиги;

– ўтган уч йил давомида танловларда ғолиб деб топилиб, уч ва ундан кўп маротаба давлат иқтисодий кўмагини олган талабгор ташкилотнинг лойиҳасида сўралаётган умумий сумманинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги шахсий ёки ҳамкорлар улушининг мавжудлиги;

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар талабгор ташкилотнинг аризаси (талабномаси)даги кўрсаткичлар, шу жумладан талабгор ташкилот, унинг ҳамкорларининг моддий ва номоддий ҳиссаси (жалб этилаётган маблағ ва ресурс миқдори) тўғрисида кўрсатилган маълумотлар асосида ўрганиб чиқилади.

22. Лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, унинг танлов шарти ҳамда давлат органи буюртмаси талабларига мувофиқлиги, маълумотларнинг асослилиги ва ҳаққонийлиги қуйидагилар билан белгиланади:

– лойиҳанинг мақсад ва вазифаси танлов мавзусига ҳамда танлов йўналишларидан бирига мувофиқ келиши;

– лойиҳанинг давлат органи буюртмаси талабларига мувофиқлиги;

– тақдим этилган лойиҳанинг ижтимоий долзарблиги;

– лойиҳа доирасида кўтарилган долзарб масалани ҳал этиш механизмнинг аниқ кўрсатилганлиги;

– лойиҳани амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг, шу жумладан тармоқ ва ҳудудий дастурларнинг ижросига кўмаклашиши;

– лойиҳани талабгор ташкилот томонидан амалга ошира олиш имконияти реаллиги;

– лойиҳани амалга оширишнинг маҳсули, унинг самараси ва ижтимоий таъсири, кутилаётган натижанинг сифат ва миқдорий кўлами.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар талабгор ташкилотнинг аризаси (талабномаси)да кўрсатилган лойиҳанинг мазмуни, мақсади, вазифаси ва бошқа маълумотлар, кўрсаткичлар асосида ўрганиб чиқилади, лойиҳа ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, давлат органининг буюртмаси билан солиштирилади ҳамда тегишли Парламент комиссияси, Жамоат комиссияси аъзосининг ички комил ишончи бўйича баҳоланади.

23. Лойиҳани амалга оширишда ижтимоий шерикликнинг назарда тутилиши қуйидагилар (қуйидагилардан бири) билан белгиланади:

– лойиҳа доирасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этишнинг назарда тутилганлиги;

– лойиҳа доирасида давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида қатнашишнинг назарда тутилганлиги;

– лойиҳа доирасида давлат органлари билан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокараларни ўтказишнинг назарда тутилганлиги;

– лойиҳа доирасида давлат органлари билан ижтимоий шериклик тўғрисида битим ва шартномаларни тузиш, биргаликдаги лойиҳа ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишнинг кўзда тутилганлиги;

– лойиҳа доирасида давлат органлари билан ўқув-услубий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳамда ахборот алмашиш тизимининг кўзда тутилганлиги.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар талабгор ташкилотнинг аризаси (талабномаси)да ҳамда давлат органининг буюртмасида кўрсатилган маълумотлар, шунингдек талабгор ташкилот қўшимча равишда тақдим этган манфаатдор давлат ташкилотларининг тавсияномалари, қўллаб-қувватлаш хатлари асосида ўрганиб чиқилади.

24. Лойиҳа бюджетининг лойиҳа мазмунига мувофиқлиги ва уни асослантирилганлиги қуйидагилар билан белгиланади:

– лойиҳа смета харажатлари мақсадли ва асосли тузилганлиги, ортиқча харажатларга йўл қўйилмаганлиги;

– лойиҳа ижрочиларининг меҳнатига тўланадиган ҳақ, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағ ва бошқа харажатларнинг (алоқа, коммунал хизмат, сафар ва банк харажатлари) йиғиндиси сўралган маблағ жами суммасининг қоида тариқасида 40 фоизидан кўп эмаслиги (яъни асосий маблағнинг ижтимоий ва умум аҳамиятга молик мақсадларга йўналтирилганлиги).

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар талабгор ташкилотнинг аризаси (талабномаси)да кўрсатилган лойиҳанинг умумий бюджети ҳамда бошқа маълумот ва кўрсаткичлар асосида ўрганиб чиқилади.

25. Лойиҳаларнинг танлов мақсадларига мувофиқлигини ҳамда уларнинг ижтимоий ва умум аҳамиятини аниқлашда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотномалар ҳам ўрганиб чиқилади.

26. Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари лойиҳаларни кўриб чиқиш, баҳолаш, уларнинг ижтимоий ва умум аҳамиятини аниқлаш жараёнига

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлардан иборат тегишли йўналишлар бўйича касбий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган экспертларни жалб қилиши мумкин.

27. Лойиҳа мазкур Низомнинг 21-24-бандларида кўрсатилган талабларга тўлиқ жавоб бермаган тақдирда, тегишли йўналиш бўйича унга қўйиладиган балл пасайтирилади, бироқ етарлича балл тўплаган талабгор ташкилот ғолиблар рўйхатида қолдирилади.

Талабгор ташкилотнинг ташкилий фаолияти мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, унинг якуний баллари натижасидан қатъий назар ғолиблар рўйхатидан чиқарилади.

28. Ишчи гуруҳи лойиҳаларнинг ижтимоий ва умум аҳамиятини аниқлагандан сўнг бошқаларга нисбатан энг юқори балл тўплаган лойиҳалар юзасидан ўзининг таклифини тайёрлайди.

Ишчи гуруҳининг таклифи кўриб чиқиш учун тегишлича Парламент комиссиясига, Жамоат комиссияларига тақдим этилади.

Ишчи гуруҳининг таклифида кўрсатилан энг юқори балл тўплаган лойиҳалар рўйхати тавсиявий ҳисобланади. Ишчи гуруҳи томонидан лойиҳаларга берилган баҳога (баллга) Парламент комиссияси, Жамоат комиссияларининг аъзолари рози бўлмаган тақдирда, улар исталган лойиҳани ўрганиб чиқиши, Ишчи гуруҳининг таклифида кўрсатилганидан бошқача баҳо (балл) беришни таклиф этиши мумкин.

Шунингдек, юқори балл тўплаб, ғолиблар рўйхатида турган талабгор ташкилотга нисбатан давлат ижтимоий буюртмасини ажратиш учун тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, бу ҳақдаги маълумотга эга бўлган Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари аъзолари ва бошқа манфаатдор шахслар тегишинча Парламент комиссиясига ёки Жамоат комиссияларига мурожаат қилиши мумкин.

29. Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари ўз аъзоларининг ва бошқа манфаатдор шахсларнинг мурожаатига асосан лойиҳаларни кўшимча тарзда ўрганиб чиқиш ҳақида қарор қабул қилиши ҳамда ўрганишнинг асосий йўналишларини белгилаб бериши мумкин.

Кўшимча ўрганиб чиқиш талаб қилинмаган ҳолларда Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари ғолиб лойиҳалар рўйхатини, ҳар бир лойиҳанинг номи, суммаси, талабгор ҳамда давлат органининг номи кўрсатилган ҳолда тасдиқлайди.

30. Парламент комиссиясининг, Жамоат комиссияларининг танлов ғолиблари тўғрисидаги қарори баённома билан расмийлаштирилади ва қарор билан тасдиқланади. Қарорнинг кўчирма нусхаси ижро этиш учун тегишинча Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларига уч кунлик муддат ичида юборилади.

## **VI. Лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг ҳисобини юритиш**

31. Талабгор ташкилот тақдим этган лойиҳа ҳамда тегишинча Парламент комиссияси ва Жамоат комиссияларининг қарорлари Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

Давлат органлари Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари томонидан қўллаб-қувватланган лойиҳаларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча молиялаштиришни амалга ошириши мумкин. Бунда қўшимча молиялаштириш миқдори умумий молиялаштириш суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

32. Парламент комиссияси, Жамоат комиссиялари танлов ғолибларини аниқлаган кундан эътиборан уч иш куни ичида унинг натижалари тегишинча Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари томонидан уларнинг веб-сайтларида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ҳамда буюртма юборган давлат органи танлов ғолиби деб топилган фуқаролик жамияти институти билан шартнома тузиши лозимлиги ҳақида хабардор қилинади.

Шунингдек, танловда ғолиб бўлмаган талабгорларнинг лойиҳаларида йўл қўйилган асосий камчиликлар Парламент комиссияси ва Жамоат комиссиялари йиғилишида таҳлил қилиниб, унинг натижаси бўйича ахборот Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларининг веб-сайтларида эълон қилиниши мумкин.

33. Танлов ғолиблари эълон қилингандан сўнг бир ҳафта муддат ичида буюртма юборган давлат органи танлов ғолиби деб топилган фуқаролик жамияти институти билан шартнома имзолайди ва унинг бир нусхасини Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондларига тақдим этади.

34. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари қарорлар ижро учун келиб тушган кундан эътиборан 15 кун муддат ичида давлат ижтимоий буюртмаси маблағини ажратиш тўғрисидаги икки томонлама шартнома лойиҳасини ва давлат ижтимоий буюртмаси ғолиби сертификатини тайёрлайди. Ғолиблик сертификати ҳамда шартноманинг намунавий шакли Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

Ғолиблик сертификати фуқаролик жамияти институтларига тантанали равишда топширилади.

Фуқаролик жамияти институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш тўғрисидаги икки томонлама шартнома имзолангандан кейин 10 кунлик муддат ичида давлат ижтимоий буюртмаси маблағлари ғолибларнинг ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказиб берилади.

Шартнома имзоланган кундан эътиборан давлат ижтимоий буюртмаси бўйича лойиҳани амалга ошириш бошланган ҳисобланади ва шартномада кўрсатилган муддатда яқунланади (асослантирилган сабабларга кўра лойиҳа муддатини узайтириш ҳоллари бундан мустасно).

35. Лойиҳа муддатини узайтиришга давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳасини амалга ошираётган фуқаролик жамияти институтларининг ёзма асослантирилган мурожаатларига асосан тегишинча Парламент комиссияси ҳамда Жамоат комиссиялари томонидан рухсат берилади.

36. Лойиҳани амалга ошираётган фуқаролик жамияти институтлари ажратилган маблағлардан самарали, оқилона ва мақсадли фойдаланишлари ҳамда бу борадаги ҳисоботни белгиланган тартиб ва муддатларда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондига, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат



фондларига тақдим этишлари лозим.

Фойдаланилган маблағлар юзасидан ҳисобот тақдим этиш ҳамда маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини мониторинг қилиш тартиби Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

37. Амалга ошириш муддати тугаган лойиҳалар бўйича ҳужжатлар Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари томонидан белгиланган тартибда архивга топширилади.

(Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари кўрсатилади)

\_\_\_\_\_мавзусида

## Давлат ижтимоий буюртмаси бериш учун танлов эълон қилади.

Танловда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг (бундан буён матнда талабгор ташкилот деб юритилади) қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_
6. \_\_\_\_\_

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Лойиҳа тақдим этилаётганлиги ҳақида талабгор ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. [www.fondngo.uz](http://www.fondngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси (аризаси).

3. Талабгор ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (талабгор ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган).

4. Устав (низом) нусхаси (охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан рўйхатга олинган ва ҳар бир варағи талабгор ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган).

5. Талабгор ташкилотнинг оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (оммавий ахборот воситалари учун);

6. Агар лойиҳа доирасида лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш талаб этилса, лицензия нусхаси (талабгор ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган).

7. Лойиҳани амалга оширишдан манфаатдор давлат давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг тавсияномалари, қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

Ҳужжатлар \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): \_\_\_\_\_ шаҳри,  
\_\_\_\_\_ да жойлашган

(индекс)

(манзил)

\_\_\_\_\_ номига

(Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари кўрсатилади)

юборилиши шарт. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан \_\_\_\_\_ расмий

(Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги Жамоат фондлари веб-сайти кўрсатилади)

веб-сайтларида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел:

“Давлат ижтимоий буюртмасини  
бериш тартиби ва шартлари  
тўғрисида”ги Низомга  
2-илова

(аризачининг логотиби бўлиши мумкин)

Давлат ижтимоий буюртмасини бериш бўйича танловда иштирок этиш учун

(нодавлат ноижорат ташкилоти, оммавий ахборот воситаси ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг номи)

**АРИЗА (ТАЛАБНОМА)СИ**

<b>1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР</b>	
1.1. Ариза юборилаётган танловнинг мавзуси	
1.2. Буюртма ва давлат ташкилотининг номи	
1.3. Танловнинг йўналиши (номинацияси)	
1.4. Лойиҳанинг номи	
1.5. Талабгор ташкилотнинг номи (таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ кўрсатилади)	
1.6. Фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар) номи	
1.7. Талабгор ташкилотнинг реквизитлари (юридик ва почта манзили, телефон, факс, веб-сайт, электрон манзили ва бошқ.)	
1.8. Раҳбарнинг Ф.И.Ш, лавозимининг тўлиқ номи ва алоқа реквизитлари (яшаш манзили, электрон манзили, телефон рақамлари, ш.ж. уяли телефон рақами коди билан)	
1.9. Бухгалтернинг Ф.И.Ш. лавозимининг тўлиқ номи ва алоқа реквизитлари (яшаш манзили, электрон манзили, телефон рақамлари, ш.ж. уяли телефон рақами коди билан)	
1.10. Талабгор ташкилотнинг тасдиқланган штат жадвалидаги лавозимлар	
1.11. Лойиҳани амалга ошириш муддати (бошланиш санаси – тугаши санаси)	
1.12. Сўралаётган маблағнинг умумий суммаси (қисқартирмаган ҳолда)	

1.13. Жалб қилинадиган маблағларнинг умумий суммаси (қисқартирмаган ҳолда)	
<b>2. ЛОЙИХАНИНГ МАЗМУНИ</b>	
2.1. Муаммонинг қўйилиши (мавжуд ижтимоий муаммо, унинг қўлами, аҳамияти, мақсадли гуруҳи ва лойиҳани амалга ошириш зарурлигини баён этиш, бир бетдан ошмайдиган ҳажмда);	
2.2. Лойиҳанинг мақсадлари (кўпи билан 3 та асосий мақсад кўрсатилади)	
2.3. Лойиҳанинг асосий вазифалари (лойиҳа доирасида амалга ошириладиган кўпи билан 5 та асосий вазифа кўрсатилади)	
2.4. Лойиҳани амалга ошириш механизмлари (лойиҳани амалга ошириш усуллари, шакллари ва бошқа механизмлари кўрсатилади)	
2.5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар (лойиҳани амалга ошириш натижасида эришиладиган самаранинг миқдори ва сифат кўрсаткичлари ҳамда таъсири)	
2.6. Талабгор ташкилотнинг мазкур соҳадаги тажрибаси (талабгор ташкилотнинг танланган мавзу бўйича тажрибаси, ютуқлари баён қилинади);	
2.7. Ҳамкорлар ва уларнинг вазифалари (агар мавжуд бўлса, талабгор ташкилотнинг лойиҳа доирасидаги ҳамкорлари ҳамда уларнинг вазифалари акс эттирилган ҳаракат режаси)	
2.8. Талабгор ташкилот, унинг ҳамкорларининг қўшадиган ҳиссаси (лойиҳа доирасида талабгор ташкилот, унинг ҳамкорларининг моддий ва номоддий ҳиссаси (жалб этилаётган маблағ ва ресурс миқдори)	

### 3. ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ БЮДЖЕТИ

ш.ж. мавжуд қўшимча молиялаштириш манбалари (сўмда, қисқартирмаган ҳолда)

№	Харажатлар моддаси номи	Сони ва нархи	Сўралаётган сумма	Жалб қилинган маблағлар	
				Шахсий улуш	Ҳамкорлар улуши
<b>3.1. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар</b>					
3.1.1.	Лойиҳа раҳбари				
3.1.2.	Тренер				
3.1.3.	Бухгалтер				
3.1.4.	Консультантлар				
3.1.5.	Бошқалар.				
<b>Жами:</b>					
<b>3.2. Тадбирлар ўтказиши учун харажатлар</b>					
3.2.1.	Тадбир ўтказилиши учун канцелярия товарларини сотиб олиш (расшифровка илова қилиниши лозим)				
3.2.2.	Ўқув тарғибот материалларни кўпайтириш ёки нашр қилиш (расшифровка илова қилиниши лозим)				
3.2.3.	Бошқалар (расшифровка илова қилиниши лозим).				
<b>Жами:</b>					
<b>3.3. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун харажатлар</b>					
3.3.1.	Компьютер сотиб олиш				
3.3.2.	Принтер				
3.3.3.	Сканер				
3.3.4.	Видеокамера				
3.3.5.	Проектор				
3.3.6.	Офис мебеллари (расшифровка илова қилиниши лозим)				
3.3.7.	Бошқалар (расшифровка илова қилиниши лозим)				
<b>Жами:</b>					
<b>3.4. Ўқув-ишлаб чиқариш ускуналари ва материалларини харид қилиши учун</b>					

<i>харажатлар</i>					
3.4.1	Газ плитаси				
3.4.2	Электрореч				
3.4.3	Тикув машинаси				
3.4.4	Оверлок				
3.4.5	Дазмол				
3.4.6	Дазмол столи				
3.4.7	Бошқалар ( <i>расшифровка илова қилиниши лозим</i> )				
<b>Жами:</b>					

### 3.5. Бошқа харажатлар

3.5.1	Алоқа хизмати ва Интернет				
3.5.2	Коммунал хизматлар				
3.5.3	Хизмат сафарлари харажатлари				
3.5.4	<i>Банк харажатлари</i>				
3.5.5	Бошқалар ( <i>расшифровка илова қилиниши лозим</i> )				
<b>Жами:</b>					
<b>Ҳаммаси (3.1 – 3.5 бўлимлар йигинидиси)</b>					

## 4. ЛОЙИҲАНИНГ КАЛЕНДАРЬ РЕЖАСИ

№	Тадбир	Вақт муддати

## 5. ТАЛАБГОР ТАШКИЛОТНИНГ РЕЗЮМЕСИ

(талабгор ҳақида қўшимча маълумот)

5.1.	Талабгор ташкилотнинг уставига мувофиқ тўлиқ номи ( <i>ўзб, рус тилида</i> ).	
5.2.	Талабгор ташкилотнинг юқори бошқарув органи	
5.3.	Талабгор ташкилотнинг асосий устав фаолияти.	
5.4.	Талабгор ташкилотнинг асосий устав мақсадлари ва вазифалари	
5.5.	Талабгор ташкилотнинг давлат рўйхатига олинганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи	

	бошқариш органининг ҳисобга олинганлиги ҳақида маълумот (санаси, рақами ва рўйхатга олувчи орган номи)	
5.6.	ОАВ сифатида рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумот (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ёки унинг ҳудудий органларидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома санаси, рақами ва амал қилиш муддати кўрсатилади)	
5.7.	Талабгор ташкилотнинг лицензияси тўғрисида маълумот (лицензия берган орган номи, лицензия рақами ва санаси ҳамда амал қилиш муддати кўрсатилади)	
5.8.	Лойиҳани амалга оширишдаги ижтимоий шериклар (номи ва вазифалари кўрсатилади)	
5.9.	Банк реквизитлари (ҳисоб рақами, МФО, ИНН, ОКОНХ, банк номи, банк манзили ва телефон рақами)	
5.10.	Амалга оширилган лойиҳалар талабгор ташкилот муқаддам танловларда голиб бўлиб, қўлга киритган давлат иқтисодий кўмаги сони ва номи кўрсатилади)	
<b>6. ЎЗИНИ ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЎЗИГА ЎЗИ БАҲО БЕРИШ (ЎЗИНИ ЎЗИ АУДИТ ҚИЛИШ)</b>		
6.1.	Лойиҳани амалга оширгунига қадар баҳолаш	
6.2.	Лойиҳанинг қўйилган мақсадга эриша олиш имконияти	
6.3.	Лойиҳанинг самараси, унинг харажатларининг асосли эканлигини исботлаш	
<b>7. ЛОЙИҲАНИНГ ЯКУНИЙ ҚИСМИ</b>		
7.1. Сана		
7.2. Ариза берган ташкилот раҳбарининг имзоси		
7.3. Ташкилот мухри		